**«ОПЕРАЦИЯ» БАРБОД БЎЛДИ**

...Х.Хамидова ҳамтовоқлари билан айланма йўллар орқали Қозоғистондан 26.133.950 сўмлик маҳсулотни юртимизга олиб кирмоқчи бўлганда «операция» барбод бўлди.

2 бет

**ИНСОН ҚАДРИ ТОПТАЛМАСИН**

Ҳақиқат аччиқ бўлади. Афсуски, одам савдоси билан боғлиқ муаммоларга ҳокимликлар, маҳалла-кўй, қолаверса, барчамиз баҳамжиҳат ечим топишимиз шарт. Бу миллат шаънига дахлдор масала эканлигини унутмайлик.

4 бет

**БЕЧОРА ҚУШЧА**

Сотилганидан бехабар Нодира уйидан қочиб кетганига минг афсус қилди, лекин энди кеч эди. Яна разолат ботқоғига ботди, навбатдаги кўшмачи қўлида ўйинчоқ бўлди...

5 бет

**ХИЁНАТ**

...Х.Аминов ўнг қўлининг беш панжасини кўрсатди-да, олиб келинг деди. О.Ҳимматқуловга қараб, гапига тушунмадим дея сўрадим. «Ўғлингизнинг балоғат ёшига етмаганлиги тўғрисида хулоса бериш учун 5000 кўкидан сўраяпти» деди.

6 бет



Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2006-yil 22-noyabr, № 47 (516)


Шукуҳли кун арафасида


Адуҳалим ХОЛМАҲМАТОВ,
Фарғона вилоят прокурори


## Тараққиётнинг ҳуқуқий негизи

Конституциямиз қабул қилинганидан буён ўтган ўн тўрт йил мобайнида ҳуқуқий-фуқаролик жамияти таркиб топди. Фуқароларда қонунларга, ҳуқуқ ва мажбуриятларига бирдай амал қилиш кўникмаси илдиз отди. Конституцияда ҳокимият органлари давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритиши мустаҳкамлаб қўйилди. Янгиланган жамиятнинг моддий негизи — бозор иқтисодиётининг қонуний асослари яратилди. Мулкдорлик ҳуқуқи асосида иқтисодиётнинг хусусий сектори вужудга келиб, ривожланмоқда.

Фарғона вилоят прокуратураси ходимлари конституциямизнинг прокуратура тўғрисидаги XXVI бобида зиммаларига юкланган вазифа — қонунлар аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлаш борасида астойдил хизмат қилишаяпти. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқарган сабабларни таҳлил қилиб, олдини олиш чора-тадбирларини кўришмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоятнинг иқтисодий салоҳиятига юқори баҳо бериб, уни тўлиқ рўёбга чиқаришдаги тўғаноқлардан бири — ишламаётган корхоналарни жонлантириш, уларни сармояси ва имконияти бор субъектлар ихтиёрига топширишга оид қонун ва қарорларни ҳаётга дадил татбиқ этишдек долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Ушбу жараённи таҳлил қилганимизда хусусийлаштиришга оид қонунлар бир хил ижро этилмаётгани аён бўлди. Бунинг сабабларидан бири — давлат бошқаруви ва назорат органларининг иши талабга жавоб бермайди. Давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида, хусусийлаштирилган корхоналар ишини изга солишда масъулиятсизлик, бепарволик ҳоллари учраяпти. Давлат мулклари ноқонуний хусусийлаштирилишига, баъзан эса тўлиқ хусусийлаштирилмай туриб, тўловлар тўланмасдан, талон-тарож қилинишига йўл қўйилаётир. Натижада кўзланган мақсадга эришилмаяпти, хусусийлаштирилган корхоналарнинг тўлов қобилияти тикланмаяпти, ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланилмай ишчилар сони қисқараяпти. Сўнгги икки йилда давлат тасарруфидаги 90 та, жумладан 26 та йирик корхона хусусийлаштирилган. Уларнинг ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси ўсиш ўрнига 5 фоизга камайган. Ишчиларнинг сони 3524 тага қисқарган. Хусусан, Фарғона ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилган дастлабки пайтларда 4000 ишчи-хизматчи ишлаган бўлса, ҳозир атиги 2500 га яқин ходим меҳнат қилаяпти. Дебитор қарздорлиги 1.328.000.000 сўм, кредитор қарздорлиги 1.169.000.000 сўмга етган жамиятга вилоят хўжалик судининг ажрими билан ташқи бошқарув жорий этилди.

Хусусийлаштирилган объектларда ишлаб чиқаришни тиклаш ўрнига бинолари бузиб ташланган ҳоллар учрамоқда. Мутасадди идоралар ходимлари зиммасидаги вазифасига панжа орасидан қараганлиги туфайли объектларни бевосита хусусийлаштириш жараёнида ҳам қонунга хилоф равишда иншоотлар ўзбошимчалик билан бузилиб, қурилиш материаллари талон-тарож қилинган. Чунончи, хўжалик суди қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган Қўқондаги «Кўнчи» акционерлик жамиятига тугатиш бўйича бошқарувчи этиб тайинланган М.Алиева ва Фарғонадаги «Miss Silyard» хусусий фирмасининг раҳбари А.Парпиев ўртасида шартнома тузилиб, корхонанинг Фарғона филиали комплекс тарзда 45.000.000 сўмга сотилган. Қўшимча олди-сотди шартномаси тузилиб, 41.700.000 сўмни жамиятнинг Фарғона шаҳар солиқ инспекциясидан қарзини қоплашга ўтказишга келишилган. «Miss Silyard» фирмаси раҳбари олдиндан 15 фоиз тўловни ўтказмасдан, мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритмасдан туриб, корхона филиали биноларини бузиб, талон-тарож қилиб, давлат манфаатига зарар етказган.


**(Давоми 3-бетда).**


Репортаж

**Ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Қалбимиз тўла орзу бўлган. Болаларимиз эртанинг эгаларидир. Улар олдидаги бурчимиз — «фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган фикрни рўёбга чиқаришдан иборат. Биз уларни суямиз. Болаларимиз учун бор дунёмизни аямаймиз. Лекин уларга беришимиз керак бўлган ҳамма нарсадан қимматлироқ яна бир нарса борки, у ҳам бўлса оддийгина эътибордир.**





## Эътироф этилган эътибор

Юнусободда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи яна бир марказ фаолият бошлади

— Алло, бу «Huquq» газетаси таҳририятими?

— Адашмадингиз.

— Сизни шаҳар ҳокимиятидан безовта қилаяпмиз. Юнусободда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи янги марказ иш бошлади. Газетангизнинг кейинги сонларидан бирида шу ҳақида материал берилса фойдадан холи бўлмасди...

Бу хабардан кейин, зудлик билан йўлга чиқдик.

— Кечирасиз, Юнусобод туманининг 3-квартали қаердалигини айтиб беролмайсизми?

Бу саволни кўп такрорлашга тўғри келди. Кимдир лабини буриб, кимдир энсаси қотиб билмаслигини аён қилди. Уларнинг чеҳрасидан сендан бошқа ташвишим йўқми деган маънони уқиб олиш мумкин эди. Ҳарнечук, четроқда нон сотаётган онахон биз бир бекат илгарилаб кетганимизни тушунтирди. Маҳалла оралаб борар эканмиз, бу ерда машҳур ошхона борлиги эсимизга тушди. Ичкарилаб кетавердик. Бир ёш йигитдан бу ер учинчи кварталми деб сўраб, яна адашганимизни англадик. «Дом»ларга чиқиб олиш ниятида бироз юргандик, айни излаган жойимизга келганимизни билиб қувониб кетдик. Хайрият-эй...

Тор кўчалар, тиғиз маҳалла орасида бундай кенг ҳовлининг мавжудлиги ҳайратланарли эди. Куз бўлса-да, ҳовлида гуллар очилиб турибди. Ўртадаги кўркам бино замонавий тарзда таъмирланган. Бизга йўлбошчилик қилиб бораётган милиционер мармар зиналардан кўтарилиб бошлиққа рўпара қилди.


**(Давоми 3-бетда).**



Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007 Обуна-2007

*Ҳурматли муштарийлар!*

Сиз «Huquq» билан тўққиз йил бирга бўлдингиз. 2007 йил — ўнинчи йил ҳам

10

«HUQUQ» ХОНАДОНИНГИЗГА ЗИЁ ТАРҚАТИШДА ДАВОМ ЭТАДИ.

*Ҳуқуқни билганлар «Huquq»ни танлайдилар*

Нашр индексимиз: —231

***10 ёшни қаршилаётган газетамиз Сиз азиз мухлисларга янада манзур бўлишга интилиб, 2007 йилдан кўплаб янгиликлар билан чиқишни мўлжаллаяпти. Жумладан янги йилдан сиз газетамиз саҳифаларида:***

- ***маҳаллий ва Россия каналлари теледастурларини;***
- ***қизиқарли детектив ҳикоя ва қиссаларни;***
- ***шов-шувли суд очеркларини ўқишингиз мумкин.***

***Обуна бўлишда асло адашманг!***

# Қинғир йўлга не ҳожат

Ёши улғайган сари инсон ҳаётнинг паст-баландини ўрганиб, ҳар бир ҳаракатини оқилона бажаришга интилади. Қаҳрамонимиз Ҳикмат Муҳаммедов қирқ ёшда. У 2001 йилнинг 21 апрелида Қоровулбозор туман суди томонидан Жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 1-қисми бўйича судланган. Қилмиши учун унга 489.750 сўм жарима солинган. Бироқ қилмишидан тўғри хулоса чиқармаган, устига-устак жаримани ҳам шу кунгача тўлиқ тўламаган Ҳ.Муҳаммедов яна жиноятга қўл урди. Коғон шаҳар «Мададкор Гулсаб» МЧЖ раҳбари бўла туриб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва давлатга кўп миқдорда зарар етказди.

Чунончи, Ҳ.Муҳаммедов «Саноат-қурилиш банки»нинг Бухоро минтақавий филиали капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва инженерлик назорати бўлими бошлиғи Шуҳрат Ҳамдамов билан жиноий тил бириктириб, «Мададкор Гулсаб» МЧЖ билан Бухоро минтақавий темирйўл узелига қарашли 7-Бухоро вагон депоси маъмурий биноси ва ошхонаси томини таъмирлаш юзасидан 2006 йил 17 апрел куни шартнома тузади. Жамият юқорида кўрсатилган объектларни капитал таъмирлаб, 2006 йил май ойида маъмурий бино ва ошхонанинг томини таъмирлаш вақтида пардозлаш ва қурилиш-монтаж ишларини, капитал харажатларни 1.777.819 сўмга ошириб кўрсатади. Бу билан Бухоро минтақавий темирйўл узелига қарашли Бухоро вагон депосига шунча миқдорда зарар етказилади.

Қинғирлик фош этилди.

Ҳикмат Муҳаммедовнинг ҳамкори Шуҳрат Ҳамдамов ҳам расмий ҳужжатларга сохта маълумот киритиб, давлатга кўп миқдорда моддий зарар етказиб келганлиги аниқланди.

Ниҳоят, ҳар иккала жиноятчи қилмиши учун жавоб берадиган бўлди. Кимки тўғри йўл қолиб, нопок йўлни танлар экан, бир куни жазосини олади.

**Алишер ОЛИМОВ,**
**Бухоро транспорт прокурорининг ёрдамчиси**

# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛМАГАЧ....

**Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни ёш авлод камолоти билан боғлиқ. Шунинг учун юртимизда ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорининг бош мақсади ҳам айнан шунга йўналтирилган.**

Андижон вилоятида истиқомат қилаётган 2,3 млн. аҳолининг қарийб 1 млн. нафари болалардир. Мазкур қарордан келиб чиқиб, комиссиялар фаолиятининг қонунийлиги, вилоятда вояга етмаганлар манфаати учун қилинаётган ишларнинг аҳволи ўрганилганда комиссия раиси бўлган шаҳар ва туман ҳокимлари вояга етмаганлар муаммоларини ҳал этишдан ўзларини четга олганлиги маълум бўлди. Масалан, Асака шаҳар комиссияси аъзолари этиб тасдиқланган шаҳардаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори Х.Сафарова, «Камолот»нинг шаҳар кенгаши раиси З.Бозорбоевлар ҳукуматнинг юқоридаги қарори ва «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисида»ги низом ҳақида маълумотга умуман эга бўлмаган.

Бу каби масъулиятсизлик комиссияларнинг қониқарсиз фаолият кўрсатишига, тегишли ҳудудда вояга етмаганлар орасида салбий кўринишларнинг кўпайишига сабаб бўлган.

Энг ачинарлиси, ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ўз жонига қасд қилишдек ўткир ижтимоий муаммо ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кескин ортгани комиссияни ташвишлантирмаган ҳам.

Масалан, Ф.Тошпўлатовнинг ўзини осиб ўлдириши сабаблари текширилганда, у ўқимасдан-ишламасдан юргани, илгари жинояти учун жавобгарликка тортилгани, спиртли ичимлик ичишга ружу қўйгани маълум бўлди. Лекин комиссия уни ўқишга қайтариш ёки фойдали меҳнатга жалб қилиш чорасини кўрмаган.

Пахтаобод туман комиссиясида иш ҳужжатлари нотўғри юритилган, жорий йилда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бирорта ҳам тадбир ўтказилмаган. Туманда мактабларнинг 9-синфини тамомлаб, кейин ўқимай қўйганларнинг тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаган. Шундайларнинг 37 нафаридан атиги 1 таси иш билан таъминланган, холос.

Олтинкўл туман комиссияси йиғилишида қабул қилинган қарорларни туман ҳокими — комиссия раиси ҳатто имзоламаган ва ижро этиш учун тегишли идораларга юбормаган.

Улуғнор туманида вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш борасида мутасадди идораларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилмаган. Натижада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар жиноятчилиги 1 тадан 3 тага ошган. Жиноятчиларни ўқишга ёки ишга жалб қилиш чоралари кўрилмаган.

Хусусан, 1990 йилда туғилган Ҳ.Анорбоев ўғрилиги учун шартли ҳукм қилиниб, синов муддати белгиланганидан ва профилактик ҳисобда турганидан ҳолда жорий йилнинг феврал ойида қайта ўғрилик содир этган. Натижада суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган.

Вилоят прокуратураси органлари вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг самарали тарзда ишлаши ва уларнинг фаолиятидаги қонунбузилишларни бартараф этишга қаратилган назорат тадбирларини бундан кейин ҳам изчиллик билан давом эттиради.

**Исроилжон НИЗОМОВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Ширкатларнинг фермер хўжаликларига айлантирилиши одамларнинг ерга бўлган муносабатини тамоман ўзгартирди. Мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Ҳақиқий деҳқон ердан тўғри фойдаланиб, етарлича даромад олаяпти. Аммо айрим фермерларнинг ерни алдаб, қонунга чап бериб фаолият кўрсатиши ачинарли ҳолат.

Наврўз Қурбоновни сиёзпоёнликлар жуда яхши танишади. У 1993 йилдаёқ «Қурбонов Наврўз» фермер хўжалигини ташкил этиб иш бошлаганлардан.

Фермер 2002 йил 20 декабрда Когондаги «Олтин тола» акциядорлик жамияти билан 2003 йили 33 тонна пахта етказиб бериш ҳақида шартнома тузди. Режа 64,4 фоизга бажарилди. Аммо 2004 йил 2 январда туман ҳокимлиги статистика бўлимига фермер хўжалиги фаолияти ҳақида ҳисобот топширган вақтда расмий ҳужжатни сохта маълумот билан «безаб» қўйқолди. Яъни у 2003 йилда давлатга пахта топшириш режасини 100 фоизга бажарган эмиш.

Шундан кейин Н.Қурбонов жиноий ҳаракатларини давом эттирди. У 2005 йил ноябр ойининг ўрталарида туман ҳокимлиги статистика бўлимидан «Қурбонов Наврўз» фермер хўжалиги пахта топшириш бўйича 3 йиллик режани бажарганлиги тўғрисида маълумотнома ёздириб олди ва 2005 йил 25 ноябр куни «Гулистон» ширкатини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим қилди. 2005 йил 22 декабрда 6-лойиҳа учун бўлиб ўтган танловда ғолиб чиқди. Қалбаки маълумотлар билан ғолибликни қўлга киритган фермер айнан шу ерда талабгор «Нодир — 98» фермер хўжалиги раҳбари Умид Иброҳимовдан атиги 1 балл юқори баҳоланганди.

Текширишларда Н.Қурбоновнинг қилмиши фош этилди. Энди жиноятига яраша жазо олган фермернинг кўзи очилган бўлса ажаб эмас.

**Ҳамро АБДИЕВ,**
**Коғон туман прокурори**

# Сирдарёдан ўтди, лекин...

— Ҳозирча молларнинг ярим пулини бераман, — деди Саҳадилло Олимжон ва Муҳаммаджонларга. — Алдаш йўқ, бир-биримизни яхши биламиз. Қолган пулни юкни Сирдарёдан ўтказиб берганлирингдан сўнг бераман.

Олимжон ва Муҳаммаджон оғриниброқ рози бўлишди. Кўнмасалар, шунча моллари ўтмай қолади. Саҳадилло билан олдин ҳам муомала қилишган. Бир таваккал қилишмоқчи бўлишди...

Тожикистоннинг Ашт туманида тайёрланган юк Сирдарё орқали Фарғона вилоятининг Фуркат туманидаги ўрмон хўжалиги ҳудудига олиб ўтилди. Тожикистонлик йигитлар Саҳадиллодан қолган пулни сўрашди.

— Юкни ишончли жойга етказиб олай, бераман, — деди Саҳадилло чайналиброқ. — Қочиб кетаётганим йўқ-ку.

— Ваъдага биноан сўраяпмиз-да, — деди тезроқ орқага қайтишни мўлжаллаётган йигитлардан бири. — Биз айтганингиздек қилдик.

— Хоҳласаларинг шу, — деди ғирромликка ўтиб Саҳадилло, — молни ўтказаман, пул бўлгач, қолган ҳақларингни ўзим олиб бориб бераман. Бўлмаса, молларингни ўтказиб пул қилгунча шу ерда тураверасизлар...

Тортишишдан фойда чиқмагач, йигитлар иложсиз қайтиб кетишди. Саҳадилло эрталаб ўтин бозорида иш қиладиган таниши Жаҳонгир Раҳматуллаевга учрашди.

— Оғайни, юк бор, битта машина топиб берсанг, — деди унга. — Ишончли бўлсин, ҳақи нақд. Юкимни Қўқонга олиб келиб берса бўлди.

Жаҳонгир Саҳадиллони яхши биларди. Бир марта темирларини пуллаб берган. Яна иши тушиб қолишини ўйлаб, йўқ деёлмади. Дарров бир киракаш машинани тўғрилади. Юкни ортиш учун мардикор ҳам ёлланди...

Аслида Сирдарёдан олиб ўтилган юк кузатувда эди. 2006 йил 7 май куни соат 23[30] ларда 15 I 5465 номерли «ГАЗ-53А» машинаси шу юк билан Фуркат туманидаги «Тинчлик-1» чегара постидан чиқиб, божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали юртимизга кириб келганида тўхтатилди. Юк эгаси бўлган Саҳадилло Салайдинов йўқ эди. Ҳайдовчидан юк декларациясини сўралганида, елка қисди.

— Юк эгаси бизни Қўқонда кутиб оладиган бўлувди. 40.000 сўмга келишганмиз. Бошқа ҳеч нарсани билмайман, — деди у.

Мол аччиғи — жон аччиғи деганлари рост экан. Бошқа юртдан ўғринча олиб ўтилган моли қўлга тушиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилганида С.Салайдинов оёғи куйган товуқдек югургилаб келди...

С.Салайдинов ким ўзи? 56 ёшли бу фуқаро Қўқон шаҳрининг Алишер Навоий мавзесидаги 45-уй 24-хонадонда яшайди. 2-гуруҳ ногирони. Илгари уч марта судланган...

Шу йил 7 июл куни бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Данғара туман судида С.Салайдиновнинг жиноят иши кўриб чиқилиб, барча ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилди. Далилий ашё сифатида олинган 8.150.320 сўмлик молларни давлат фойдасига мусодара қилиш, С.Салайдиновни ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топиб, 5 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм ўқилди. ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, 2 йил синов муддати ҳам белгиланди.

Яхши ният ва қонуний йўл билан мол олиб келувчиларга чегараларимиз очиқ. Қинғир йўл билан, бунинг устига ҳужжатсиз, сифатига кафолат бўлмаган мол олиб келувчилар С.Салайдинов каби янглишадилар...

**Ў.ҲАМДАМОВ,**
**Данғара туман прокурорининг ёрдамчиси**

# «Операция» барбод бўлди

**Бугунги тадбиркор қандай бўлиши керак? Бу борада ҳар кимнинг ўз фикри бор. Кўпчилик мазкур саволга «қонунга риоя қилган ишбилармон» дея жавоб бериши табиий. Қонунни билган тадбиркорнинг ўзи ҳам боймоқда, эл дастурхонини ҳам тўкин-сочин қилмоқда. Энг асосийси, улар солиқларни ўз вақтида тўлаб, қонунга амал қилиб ишлаяпти. Лекин, айрим «тадбиркор»лар ҳам борки, давлатни алдайди, оқибатда топган маблағидан ажраб, банкрот бўлади.**

Тошкент тумани «Кўксарой» ҚФЙ Рамазонов кўчасидаги 8-уйда яшовчи Х.Ҳамидова шундай «тадбиркор»лар сирасидан экан. У ҳамтовоқлари билан бир «операция»ни амалга ошириб, катта пул ишлаб олмоқчи бўлди. Яъни, айланма йўллар орқали Қозоғистондан 26.133.950 сўмлик 24 хил маҳсулотни юртимизга олиб кирмоқчи бўлган. Уларнинг «операция»си барбод бўлди. Қўлга туширилган маҳсулотлар вилоят «Матлуботсавдо» АКга қарашли омборхонага топширилди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

Туманимиз Қозоғистон билан чегарадош бўлганлиги учун МХХ, ИИБ ходимлари ҳамда чегара қўшинлари билан қўшма рейдлар ўтказиб турилади. Мақсадимиз юртимизга ноқонуний товарлар кириб келишининг олдини олиш.

Яқинда ўтказилган рейдда «тадбиркор» М.Абдужалилова амалга оширмоқчи бўлган «операция» барбод қилинди. М.Абдужалилова шериклари билан 10.526.100 сўмлик маҳсулотларни Қозоғистондан юртимизга ноқонуний равишда ўтказаётганда ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилаяпти.

Яқинда бўлимимизга Ўзбекистон кўчасидаги 144-хонадонга Қозоғистондан айланма йўллар орқали 16 турдаги 7.194.000 сўмлик болалар кийимлари олиб келинганлиги ҳақида хабар келиб тушди. Ўтказилган тадбирда хабар тасдиқланди. Маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Энди хонадон эгаси М.Йўлдошева улар кимга тегишли ва қандай йўллар билан унинг уйига келиб қолганини айтиб беради.

Умуман олганда, бўлимимиз томонидан 2006 йилнинг январ-октябр ойларида Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб кирилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан 83 та тадбир ўтказилиб, шунча ҳуқуқбузарлик аниқланди. 207.487.000 сўмлик товарлар олиб қўйилиб, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 40 та маъмурий ва 43 та жиноят иши қўзғатилди.

**Шерали МИРЗАХМЕДОВ,**
**СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент туман бўлимининг бошлиғи**

# «ЯНГЛИШГАН» ОҚСОҚОЛ

Ховос тумани прокуратураси «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида нафақа тайинлаш ва тарқатилишини ўрганиб чиққанда йиғин оқсоқоли М.Жабборов Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаган болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ва вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш тўғрисида»ги низом талабига зид равишда нафақа тайинлаганлиги аниқланди. У 23 та ҳолатда фуқароларга 1.950.000 сўм нафақани низом талабига зид равишда тайинлаган. М.Жабборовнинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлиги инобатга олиниб туман прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди ва тергов олиб борилмоқда.

Муҳтож оилаларга белгиланган муддатда етказиб берилиши лозим бўлган нафақа пулларининг тарқатилиши молия идоралари томонидан мунтазам таҳлил қилиб борилиши лозим бўлсада, мутасадди идора ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида юқоридагидай жиноятлар содир этилаяпти.

Айбдорлар жавобгарликка тортилиши муқаррар, лекин вазифасини етарли даражада бажармаган ходимлар ҳам қонунда белгиланган тартибда жазосини олиши шарт.

**С.НАЗАРОВ,**
**Ховос туман прокурори**

**Тараққиёт асрида яшаяпмиз. Давр ўзгариши одамлар онги, дунёқараши, тафаккурига таъсир ўтказганидек, уларнинг эҳтиёжлари кўламини ҳам шунга яраша кенгайтириб қўйди. Ҳалол меҳнат қилиб, орзу-ҳавасларини амалга ошириш, эл қатори яшаш учун имкониятлар етарли. Бироқ, баъзан замондан нолийдиган, бозор иқтисодиёти шароитини рўкач қилиб ўзини тўрт томонга урадиганлар ҳам учраб туради. Аслида эса, ҳаром йўл билан бўлса-да, енгил-елпи яшаш, шоҳона ҳаёт кечириш илинжида бўлган шундай кимсалар, таъбир жоиз бўлса, нафс бандаларидир. Ундайлар нафси учун ҳар қандай қабиҳликка қўл уришдан қайтмайдилар.**

# Инсон қадри топталмасин

ОИТС, терроризм каби глобал муаммолар қаторида одам савдоси ҳам жамиятнинг бугунги кундаги оғриқ нуқтасига айланиб бораётгани сир эмас.

Давра столи атрофидаги суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланди.

Суҳбатдошларимиз: Анвар Эшонқулов — Бухоро вилоят прокурорининг халқаро ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси. Абера Ҳусейнова — «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг Бухоро вилоят бўлими бошлиғи.

М: — Инсон — олий қадрият дея эътироф этилади. Мамлакатимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун. Аммо, одам савдоси унинг қадрсизланишининг энг юқори кўриниши эмасми?

А.Э: — Инсон ҳуқуқлари, орзу-интилишлари, ижтимоий таъминоти, эрки, озодлиги, ҳамма-ҳаммаси қонун ҳимоясида. Конституциямизда барча фуқароларнинг тенглиги қайд этиб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Аммо қонун талабларини аҳолининг барча қатламлари ҳам тўла англаб етаяпти деб бўлмайди.

Шунинг учун дунёқараши тор, осонгина пул топишга ўч айрим фуқароларимиз фирибгарларнинг «маоши фалон сўм иш таклиф қилишаяпти» деган ёлғонига ишониб, куйиб қолишмоқда. Бу қабиҳ савдони касб қилиб олганларнинг чет элга чиқмай туриб, ўзи яшаётган ҳудудда «иш» олиб бораётганлари ҳам учраб турибди. Яқинда шундайлардан ромитонлик опа-сингил Сатторовaларнинг қилмиши фош этилди. Буни қарангки, улар ҳали болалик дунёсини тарк этиб улгурмаган қизларни арзимаган беш-ўн минг сўмга пуллаб, фаҳш ишларга мажбурлаб келишган. Гўшанга сеҳри-ю, ҳаёт қувончларидан бебаҳра қизининг тақдири учун ота-она уларни қарғамади дейсизми? Бу масаланинг бир томони. Аёллик нафосати, оналик масъулиятини унутган Н.Сатторова бу каби ҳаром ишлар билан уч фарзандининг олдида шуғуллангани-чи?

Бугун шундай одамийликдан айро тушган одамларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари боис юртидан, яқинларидан узоқда қанчадан-қанча ватандошларимиз азият чекишмоқда. Қолаверса, юртдоши, маҳалладоши, қондошини «товар» сифатида сотиш ўзликдан тониш, разолатдир. Шу «бизнес» орқасидан бойлик орттираётганлар, бола-чақа боқаётганлар қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Бироқ, бундайлар виждони олдида, охиратдаги ҳисоб-китоби ҳақида ҳам ўйлашса яхши бўларди.

А.Ҳ: — Реабилитация марказимизга мурожаат қилаётган опа-сингилларимизнинг Бирлашган араб амирликларидаги фоҳишахоналарда ҳаром иш билан шуғулланаётганини эшитган ҳар қандай киши кўнглида нафрат уйғониши табиий. Бу ҳақда марказимиз вилоят хотин-қизлар қўмитаси, прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ўтказган мулоқотларда такрор-такрор айтилади. Одамларнинг фикрини ўрганиб, янги чора-тадбирлар дастурини тузиб фаолият юритаяпмиз. Яқинда маслаҳат сўраб мурожаат қилган, ўзини Бухоро шаҳар Шарқ даҳасида яшовчи Маҳфуза дея таништирган аёлнинг гапларини эшитиб, юрагимнинг туб-тубида оғриқ уйғонди. Наҳотки, инсон айрим нокасларнинг тубан кирдикорлари боис шу қадар хўрланса, ҳаёти барбод бўлса?..

Онахоннинг айтишича, бундан 9 йил аввал турмуш ўртоғи ишлаш учун Россияга кетган. Биринчи йили телефон орқали уни қул сифатида сақлашаётганини айтган эр шу билан дом-дараксиз йўқолган. Аёл йиллар давомида уч қизини қийналиб вояга етказиб, турмушга узатган. Катталарнинг маслаҳати билан эрининг қайтишидан умидини узиб, таъзия ҳам очган. Руҳий зўриқишлардан қутулиб, энди сокин ҳаёт бошлаганида эса Бухорога қатнайдиган автобуслардан бирининг ҳайдовчиси Акрам акани Москва шаҳридаги аҳлатхоналардан бирида кўриб қолади ва бу ёққа олиб келади. Бироқ, у руҳий хаста бўлиб, хотирасини йўқотган экан. «Энг ачинарлиси, бугун қизларимнинг оилаларидаги осойишталикка путур етди. Қайси бир дардимни айтай?», — дея аёл қон йиғлайди.

Яқинда бу каби муаммоларнинг ечимини излаб Санкт-Петербург шаҳрида хизмат сафарида бўлдим. У ерга мўмай даромад излаб борган ўзбеклар яшайдиган бараклардаги аҳволни кўриб, очиғи, дилим оғриди. Ахир биз дунёни жасорати билан лол қолдирган соҳибқирон Темур авлодидандмиз! Ақл-заковат, фаҳм-у фаросатда не-не зотларни ҳайратда қолдирган Сароймулкхоним, Моҳларойимдек момоларимиз ҳам бўлганку! Миллат шаънини топтаётганларнинг мудроқ қалби қачон ғафлатдан уйғонади?

М: — Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси хорижда ишлаш, ўқиш, дам олиш ҳуқуқига эгалиги Ўзбекистон Конституциясида кафолатлаб қўйилган. Аммо чет элда ишлашни хоҳловчилар кимга, қайси ташкилотга мурожаат этишни билишмас...

А.Э: — Энг заиф, энг оғриқли нуқтамиз ана шунда-да! Ҳақ-ҳуқуқини англаган кишининг эрки, озодлиги, ҳуқуқларини ҳеч ким суиистеъмол қилолмайди. Айрим ҳамюртларимизнинг қонуний йўл қолиб, алдамчилар тузоғига илинаётганининг сабаби ҳам шунда.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Вазирлар Маҳкамасининг ўша йили 23 декабрдаги «Бухоро шаҳрида фуқароларни чет элга ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюро ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Лекин кўплар меҳнат миграцияси бюросига мурожаат қилмай, миллионлаб пулларини сарфлаб, воситачиларга ишониб хорижга ошиқишади. Оқибатда эса...

А.Ҳ: — Ҳақиқат аччиқ бўлади. Афсуски, одам савдоси билан боғлиқ муаммоларга ҳокимликлар, маҳалла-кўй, қолаверса, барчамиз баҳамжиҳат ечим топишимиз шарт. Бу миллат шаънига дахлдор масала эканлигини унутмайлик.

**Суҳбатдош: Моҳира ШАКАРОВА, журналист**

*«Сочимни бошқа рангга бўяб, суратга олганларидан сўнг мени вақтинча яшаб турган Алгоритмдаги уйдан Бишкекка жўнатиб юборишди. У ерда умуман бошқа исм ва фамилияга расмийлаштирилган паспорт ва чипта бериб, аэропортдан Бирлашган араб амирликларига учириб юборишди. У ерда мени Зарифа исмли аёл кутиб олди ва маҳаллий шайхлардан бирига катта пулга гаплашиб қўйганини маълум қилди. Қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини англаб етдим».*

# «Текин пишлоқ, қопқонда»

## ёхуд одам савдоси хусусида

Ушбу кўчирма ўн олти ёшга кириб-кирмай одам савдосининг қурбонига айланган ҳамюртимизнинг тушунтириш хатидан олинди.

Бу воқеалар қиз мактабнинг 9-синфида ўқиб юрган пайтида содир бўлган экан. Ҳозир у «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ва тегишли вазирликларнинг ҳаракатлари туфайли мамлакатимизга депортация қилинган. Афсуски, бундай ҳолатлар охирги пайтларда тез-тез қайд этилмоқда.

Аслида узоқ ўтмишга эга бўлган одам савдоси 20-асрнинг охири — 21-асрнинг бошларида авж олди. Дунё бўйича ҳар йили одам савдоси қурбонлари сони 2 млн. киши, бу жиноятдан олинадиган даромад 9 млрд. долларни ташкил этади. Бу, албатта, расмий маълумот. Чунки одам савдоси яширин характерга эга. Охирги йилларда Ўзбекистон фуқаролари ҳам билиб-билмай унинг қурбони бўлаётганлиги жуда ачинарли.

Чет элга чиқиб дунё кўраман деб ким ҳам ният қилмайди дейсиз. Лекин ўзга элда бир гуруҳ одам савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг қўлига тушиб, орзулари саробга айланган, ҳуқуқлари оёқости қилиниб, ғурурлари топталган кишиларнинг аччиқ қисмати сизни бефарқ қолдирмайди.

Ушбу муаммо юзасидан Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат марказининг фаолияти самара бермоқда. Бу марказ 2001 йил 16 май куни Ўзбекистон Адлия вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармасида рўйхатдан ўтган. Марказ асосан 3 йўналишда:

**— одам савдосининг олдини олиш ва аҳолига чет давлатда ишга жойлашиш мақсадида ноқонуний миграцияни амалга ошириш натижасида юзага келувчи хавфлар ҳақида маълумот бериш;**

**— одам савдоси жабрланувчиларига ёрдам кўрсатиш;**

**— аҳоли орасида ОИТС вируси тарқалишининг олдини олиш бўйича фаолият олиб боради.**

Ушбу марказ ассистенти Шоҳида Қосимова билан суҳбат асносида ундан одам савдоси ҳақида батафсил маълумот беришни сўрадик.

— Одам савдоси деганда уларнинг товар сифатида олиб кетилиб, белгиланган давлатларга етказилиши, қўлдан-қўлга ўтиши тушунилади. Бу жуда мураккаб тизим. Бунинг бошида уюшган жиноий гуруҳ туради. Гуруҳ вакиллари турли давлат фуқаролари бўлганлиги сабабли уларнинг кўринишлари ҳам хилма-хилдир. Баъзилар хорижга одамларни саёҳат фирмалари орқали олиб чиқиб кетса, бошқалари чет элларда иш тавсия қилувчи фирмалар номидан фойдаланади. Кўп жойларда жабрланувчилар ўз яқинлари томонидан алданиб қоладилар. Улар бунда турли вазиятларни инобатга олишади, асосан қарз гирдобига тортиб қўйишади. Юқорида берилган парчадаги 15 ёшли қизнинг кейинги тақдири мисолида бу ҳолатни кўриш мумкин: «Мен ижарага олинган уйнинг пулини тўлаганимдан сўнг, яна 5000 доллар қарз эканлигимни айтишди».

Шунингдек, чет элга кетаётганлар учун йўл чипталари, ҳужжатларни расмийлаштириш, озиқ-овқат харажатларини зиммасига олган «нажоткорлар» бошқа давлатга олиб борганларидан сўнг кўрсатган хизматларини муайян суммада кўрсатиб, одамларни ишлашга мажбурлашади.

Ишга деб олиб кетилаётган одамлар белгиланган давлатга транзит давлат орқали ўтишлари мумкин. Улар кўп ҳолларда вояга етмаган ёки фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган, иқтисодий ночор одамларни танлашади.

*— Одам савдосини амалга ошириш усуллари ҳақида гапириб берсангиз?*

— Одам савдоси қурбони бўлмиш аёллар асосан жинсий эксплуатация қилинади. Эркаклар ва болаларда эса меҳнат эксплуатацияси ва донорлик кузатилади. Эркакларимиз кўп ҳолларда Қозоғистон ва Россияда қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида, ошпазлик ва бошқа меҳнат турларида эксплуатация қилинадилар. Аёлларимизнинг эса Қозоғистон, Россия, Таиланд, Малайзия, Туркия, Греция ва БААда нима иш билан шуғулланаётгани фақатгина ўзларига аёндир. Энг ёмони, улар бораётган давлатларининг тилида гаплаша олмайдилар.

*— Классик қулчилик ва ҳозирги замон қулчилиги орасида фарқли томонлар нимада деб ўйлайсиз?*

— Ўхшашлиги шуки, одам одам ўрнида кўрилмайди, товарга айланади. Лекин ҳозирги замонда одам савдоси ўта шафқатсизлиги билан классик қулчиликни орқада қолдириб кетди. Масалан, чет элдан қочиб келишга муваффақ бўлган бир қизнинг бўйнига сигаретни куйдириб, мунчоқ теришган ёки бўлмаса бошқа бир қизни стулга боғлаб қўйган ҳолда дазмол билан куйдириб, белига таёқ билан уриб азоб беришган.

*— Ўзбекистонда одам савдосининг келиб чиқиш сабаблари нималарга тақалади?*

— Совет давлати парчаланиб кетганидан сўнг бу муаммо биринчи бўлиб Украинага хавф солди. Сўнг Қозоғистон, Қирғизистон сингари давлатлар қатори Ўзбекистонга ҳам таъсир ўтказа бошлади. Ўтиш даврининг ижтимоий қийинчиликлари туфайли аёллар оиласининг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун чет элларга кетишади. Одам савдосидан жабр тортиб келганида ҳам бошидан кечирганларини рўй-рост айтмасдан, бошқа аёлларни ҳам бу ишга жалб қилган ҳолатлар кўп учрайди.

*— Мазкур жиноят учун Ўзбекистон қонунчилигида қандай жазо чоралари кўзда тутилган?*

— ЖКнинг 135-моддаси одам савдосига бағишланган. Бу моддани қўллашда бир жиҳатга эътиборни қаратиш лозим, яъни ушбу жиноятда иштирокчиликнинг бош бўғинини ҳосил қилувчи ёлловни кўрсатиб бериш керак. Ёллаш ва ёлланганлик ҳолати жабрланувчининг ўз ҳоҳишига кўра ёки аксинча бўлганини аниқлаш мушкул.

*— Ҳуқуқшуносликда виктимология тушунчаси мавжуд. Яъни, жиноят қурбони ўз ҳаракатлари билан жиноятчига ёрдам беради. Одам савдоси қурбонларига нисбатан ҳам бу тушунчани қўллаш мумкинми?*

— Мумкин. Лекин шу кунгача қайтариб олиб келинган аёлларимизнинг 90-95 фоизи оғир иқтисодий-ижтимоий ҳолатдан чиқиб кетиш мақсадида чет элларга чиқиб кетишган. Уларга асосан бола боқиш ва уй ишларини таклиф қилишган.

Улардан жинсий хизматга тортилишдан ҳадиксирамаганмисиз деб сўралганда, шубҳанинг мавжудлигини, лекин иш таклиф қилувчиларга ишонганлиги туфайли унча эътибор бермаганини баён этишган.

«Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази 2002 йилдан шу кунга қадар 1500 га яқин жабрланувчининг юртга қайтиши учун имкон яратди, 500 га яқинига тиббий, психологик, ҳуқуқий ёрдам берди.

Юқоридагиларга қўшимча қилган ҳолда республикамизда ушбу жиноят тури келиб чиқишининг қуйидаги сабабларини кўрсатмоқчиман:

**1) иш учун тўланадиган маошнинг қониқарли эмаслиги;**

**2) одамларда ахлоқий қарашларнинг ўзгариб бориши. Сўнгги пайтларда «Чет элга бориб нима иш қилганимни ким билиб ўтирибди?» деб иймонини сотиб юбориш ҳоллари кўп учраяпти;**

**3) сабр-қаноат каби хислатларнинг камайиши.**

Жамиятнинг аксарият қисми одам савдоси жабрланувчиларини қабул қилишга тайёр эмас, айниқса, фоҳишалик билан шуғулланишга маҳкум қилиниб, юртимизга қайтиб келишга эришган аёлларни.

Касалликни яширган билан у даво топмайди. Аҳоли ўртасида ушбу муаммо юзасидан муайян кайфиятни уйғотиш, жабрланувчиларга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш ушбу жиноятнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Дилноза УМАРОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

# ҚИММАТГА ТУШГАН РАШК

Ўша куни кечроқ қайтган Мақсуд (исмлар ўзгартириб берилмоқда)нинг кайфияти уйига кирмай туриб бузилди. Кеч тушганда хотини аллақандай танишининг олдига бориб келмоқчи эмиш.

Бир пайтлар у уйга қайтганида дастурхон ёзиб, чой қуйиб кутиб оладиган хотини ўзгариб қолган. Ўзи шу, хотин эрдан кўпроқ пул топдими тамом, эрнинг ҳурмати қолмас экан. Шу сабабми, уйида кунора жанжал.

Хотини ўзига кўпам оро берадиган аёл эмасди. Лекин бугун ясан-тусанни жудаям жойига қўйибди. Мабодо...

Кўнглига оралаган шубҳаси тилига кўчди:

— Гулноза, жудаям ясаниб, очилиб кетибсан. Мабодо биронтаси билан топишиб олмадингми? — ҳазил аралаш гапнинг тагида зил бор эди.

Хотини гапига жавоб қайтармагани унинг ғазабини қўзғади.

— Гапимни эшитмадингми ёки «сукут аломати ризоми?»

— Сизга мен ўзбекчалаб тушунтирдим шекилли, қарзга пул берганман биттасига, ўшани олиб келишим керак деб, — хотини ундан бир парда баланд овозда жавоб қайтарди.

Шу пайт хотинининг уяли телефони жиринглаб «айтишув» узилиб қолди. Гулноза телефонини олиб, тезда ўчириб қўйди.

Бу Мақсуднинг шубҳаларини янаям орттирди чоғи, ичкаридан ўғлини чақириб киноя қилган бўлди:



— Ўғлим, онанг кеч бўлганда ёлғиз юрмасин, шерик бўлиб бориб кел. Қара, ясаниб, анча кўзга яқин бўлиб олибди.

— Қоровул қилиб жўнатаяпсизми? Ишонмаяпсизми менга?

— Ҳа, ёқмадими? Ким билади, кеч бўлганда ким билан учрашувга кетаётганингни.

Хотини «боринг-э» деганча ичкари уйга кириб кетди.

Юзини совуқ сувга ювиб бироз ҳовуридан тушгандай бўлди. Кийимларини алмаштириб чиққан хотинининг минғирлаши яна асабини қақшата бошлади.

Унинг орқасидан балконга чиқди.

— Қаерга бормоқчийдинг ўзи? Қани тез кийиниб чиқ, мен билан бирга борасан ўша жойингта.

— Энди бормайман. Кўнглингиз жойига тушдими?

— Ўзингга жазман топгансан, бўлмаса бунча алам қилмасди сенга. Топдимми? — заҳарханда қилди Мақсуд.

— Топдингиз, биттаяммас, ўнта! Сиздан ёшроқ, пулиям кўпроқ. Шуни билмоқчимидингиз?!

Мақсуднинг кўзига қон тўлиб, қўллари мушт бўлганини сезган Гулноза стол устидаги пичоқни қўлига олди.

— Яқинлашма менга, агар қўлингни теккизсанг ўзимни пичоқлаб ташлайман, — у эрига сенсираб бақира бошлади.

Шўрлик фарзандлар. Отасининг онасини калтаклашларига кўп бор гувоҳ бўлган болалари югуриб чиқишди. Қизининг изиллаб йиғлаётгани ҳам жаҳл отига минган Мақсудни тўхтатиб қололмади. Хотинининг қўлидан пичоқни тортиб олиб, унинг дуч келган жойига ура бошлади.

— Ака, нега қараб турибсиз, отам онамни ўлдириб қўяди, — тўққиз ёшли Нигоранинг чинқириғи далда бўлган ўн тўрт ёшли Муҳриддин отасининг пичоқ тутган қўлига тирмашди...

«Тез ёрдам» машинасида шифохонага етказилган Гулнозанинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Суд ҳукми билан Мақсуд 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**Лола ШОМУРОТОВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

**P.S Айбдор жазосини олди. Аммо бу жиноятнинг содир этилишида Гулнозанинг айби йўқ деб бўладими? Эҳтимол у эрининг рашк ўтида куйишига имкон яратмаганида бу хунрезлик содир бўлмасмиди? Хулоса чиқариш газетхонларга ҳавола.**

# Бечора қушча

**Улар тасодифан танишиб қолдилар. Ўзини Илҳом деб таништирган йигитни қиз орзумдаги шаҳзода шу бўлса керак деб ўйлаган эди. Лекин «шаҳзода»нинг ширин ваъдалари ортида тубан нияти борлигини билмаган экан. У 2005 йил ноябр ойининг бир тунида қизни алдаб, разил ниятига эришди ҳам. «Сен албатта меникисан, зўр тўй қилиб оламан» деган йигит эртасигаёқ қорасини кўрсатмай қўйди. Номуси топталган қиз уни кутди, излади, лекин тополмади... Дарди ичида, ҳеч кимга ёрилолмай, қон йиғлаб қолаверди.**



Шундай кўйга тушган Нодирага ҳаётнинг қизиғи қолмаган эди. Агар отаси билиб қолса, омон қўймайди. Жонига қасд қилмоқчи эди, юраги бетламади. Декабр ойининг бошлари эди. Уйларига совчилар келди. Илҳомдан эмас. У ҳеч кимга билдирмай, уйдан бош олиб чиқиб кетди. Қаерга, кимникига боради, ўзи ҳам билмас эди. Хаёлида сири очилиб, шарманда бўлмасидан тезроқ бу ердан қочиб кетиш фикри бор эди, холос.

— Ҳа, синглим, нега хомушсиз?

Нодира бекатда оёқлари остига ўйчан термулиб турган эди. Шу topда меҳрга ташна кўнгли ёнида турган жувонга қарашга ундади.

— Ёлғиз ўзингиз бу ерда нима қилиб турибсиз? — унинг елкасига қўлини қўйиб сўрашда давом этди жувон.

— Ўзим... — кўзлари жиққа ёшга тўлган Нодира бошқа гап айтолмади. У аёлнинг кўзларида меҳр, ҳамдардлик кўргандай бўлди. Жувон эса унга бошдан оёқ синчиклаб қарарди. Нодира кўркамгина эди. «Қўлдан чиқармаслик керак» деган ўй ўтди жувоннинг кўнглидан.

— Борадиган жойингиз йўқ бўлса, юринг меникига, ўзим ёлғиз тураман, — деди жувон унинг қўлларидан ушлаб. Нодира индамай унга эргашди.

Йўл-йўлакай танишиб ҳам олдилар. Ўзини Наргиза деб таништирган жувон Нодирадан «нозик» сирини яширган эди. У ғаразли ишлари учун илгари судланган, ҳеч қаерда ишламай, қўшмачилик билан шуғулланар эди. Нодира ёмғирдан қочиб дўлга дучор бўлганини билмасди. Шунинг учун кўнглидаги бор дардини тўкиб солди.

— Бечор қушча, — деб қўйди Наргиза уни тингларкан. — Ташвиш тортманг, ўзим ёрдам бераман...

Нодиранинг тўсатдан ғойиб бўлиши оиласидагиларни қаттиқ ташвишга солди. Яқин атроф, қариндош-уруғларникидан излашга тушишди. Ҳеч қаердан изи чиқмасди.

Бу вақтда Наргиза уни Олтиариқ тумани Ҳамза шаҳарчасидаги уйидан остона ҳатлатиб кўчага чиқармас, шаҳвоний ҳирс бандалари бўлган ҳар хил эркакларга қўшиб берарди. Пул тўплаб уй олиб бераман, муносиб куёв топиб узатаман деб авраган эди. Нодира чорасиз, нажотсиз қолгани учун тақдирга яна тан берганди...

Унинг танасини сотиб, эвазига ҳаром пул топиб юрган Наргиза доимо ҳадикда эди. Нодирани оиласидагилар ва милиция ходимлари қидираётганини эшитиб қолгач, кўнглидаги ғулғула кучайди.

— Зериккандирсан, бир Фарғонага айлантириб келай, — деди Нодирага. Нодира бу таклифни хушнуд қарши олди. Наргизанинг режаси эса бошқача. У Нодирани шаҳардаги ўзига ўхшаган қўшмачи аёллардан бирига сотиб қутулмоқчи эди.

— Йўқ, қизингни олиб қололмайман, — деди нимадандир шубҳаланиб қолган таниши. — Ҳозир ўзимда қизлар бор.

Сир эмас, шаҳарда наҳс ботқоғига ботиб, ўз уйини исловатхонага айлантириб олган аёллар учраб туради. Абдураҳмон Жомий кўчаси 23-а уйда яшовчи Юлдуз Қорабоева ҳам шундайлардан эди. Бу номуссиз аёл Нодирани Наргизадан 60.000 сўмга сотиб олди.

— Шу ерда ўтириб тур, ҳозир келаман, — деганича Наргиза қайтиб келмади.

— Сени сотиб олдим, энди ишлаб берасан, — деди унга Юлдуз. — Қочишни хаёлингга келтирма, ўзингга ёмон бўлади.

Сотилганидан бехабар Нодира уйидан қочиб кетганига минг афсус қилди, лекин энди кеч эди. Яна разолат ботқоғига ботди, навбатдаги қўшмачи қўлида ўйинчоқ бўлди...

— Бўлди, энди кетаман, — деди Нодира орадан икки ҳафтача ўтгач. Юлдуз кўнди. Чунки сарфлаган пулини Нодира бир неча баробар ортиғи билан ишлаб берди. Энди уни уйида ушлаб туриш ортиқча, «эскирди»...

Юлдуз Нодирани бир таниш аёлникига олиб борди. Нодира янги жойдан қочиб кетди. Алдангани, хўрлангани нафратини жунбушга келтирди. Шаҳар милициясига арз қилди...

Шу йил 12 январ куни соат $19^{30}$ ларда Ю.Қорабоева хонадони назорат тартибида текширилди. Хонадон соҳиби 4000 сўм эвазига қўшмачилик қилган пайтида қўлга тушди ва бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 21 июл куни бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида алданган қизни баттар бадном этган, ўз хонадонида фоҳишахона очиб, қўшмачилик билан шуғулланган Наргиза Эргашева, Юлдуз Қорабоеваларга шартли жазо тайинланди.

Шаҳар прокурори киритган протест ҳам қаноатлантирилиб, жабрланувчи Н.Дадахоновага Н.Эргашева, Ю.Қорабоевалардан солидар тартибда моддий зарарни ундириш белгиланди.

Айбдорлар жазосини олди. Лекин кўнглига қанчалик оғир ботмасин, бошига тушган кўргуликларга Нодиранинг ўзи ҳам сабабчи. Отасининг судда айтишича, Нодира оиладаги учинчи фарзанд бўлиб, хулқи яхши бўлган, оиладаги моддий аҳвол ҳам кўнгилдагидек, қизининг ёшлигидан фойдаланиб алдашган...

Балки шундайдир. Ҳақиқат шуки, шундоққина ёнимизда шундай жирканч ишлар билан шуғулланаётганлар бор. Кўпинча уларни кўриб кўрмасликка оламиз. Мана шу бепарволигимиз уларга қўл келаётганини англамаймиз.

**Б.ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси.**
**Х.ЖЎРАБОЕВ,**
**журналист**

*Акс-садо / Акс-садо / Акс-садо / Акс-садо*

# ЖИНОИЙ ТАҚЛИД

«Ниқиқ» газетасининг ўтган ҳафтадаги сонида чоп этилган «Кўрмоқнинг куймоғи борми?» сарлавҳали мақолани ўқиб, мулоҳазаларимни бир жиноят тафсилоти орқали билдиришни ният қилдим. Кейинги пайтда ОАВ, матбуот саҳифаларида хорижий киноларнинг ёшлар маънавиятига кўрсатаётган салбий таъсири хусусида фикрлар билдирилмоқда. Бу албатта, ижобий ҳол. Ёшлар маънавияти ҳақида қайғураётган жамиятнинг истиқболи бор.

Бугунги ахборот асрида унинг қамрови шу даражада кенгки, бу жараён таъсиридан четда қолишнинг имкони йўқ. Гап ёшлар онгига таъсир кўрсатаётган филмлар ҳақида бораётган экан, улардан аввало ижобий жиҳатлар қидиришга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки, улар орасида ҳам ҳақиқий санъат даражасида ишланган, маънавий ва эстетик озиқ бера оладиганлари ҳам оз эмас. Улар ёшлар дунёқарашининг кенгайишига хизмат қилади. Шу билан бирга айрим сериаллар миллий менталитетимизга зид эканлиги ҳам бор гап. Ачинарлиси, улар орасида шундайлари ҳам борки, томошабинга жиноятга мойилликни тарғиб қилади.

Шундай сериалларнинг қаҳрамонларига тақлид қилган айрим ёшлар билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман судида тўрт нафар талаба йигит содир этган жиноят иши кўриб чиқилган эди.

Тун ярмидан ошганда кўчага чиққан Ш.Муқимов, Ф.Орипов, Я.Очилов ва вояга етмаган А.Мансуровлар кира қилиб юрган автомобилни тўхтатишади. Ҳайдовчи билан йўл ҳақини келишиб унинг ишончига кириб оладилар. Ярим йўлда ҳайдовчига пичоқ билан ҳужум қиладилар. Автомобил эгасини қўрқитиб, унинг ёнида бўлган уяли телефони ва автоулов салонидаги ўйинчоқни олиб қочишади.

Кўрилган тезкор чоралар натижасида талончилар қисқа муддатда ушланади. Уларнинг ёнидан иккита пичоқ, ҳайдовчидан тортиб олинган буюмлар ва ниқоб шаклида кесилган спорт шапкаси далилий ашё сифатида олинади.

Дастлабки ва суд тергови давомида бу йигитлар Россиянинг НТВ каналида намойиш қилинган «Парни из стали» номли сериални томоша қилишгани ва филм қаҳрамонларига тақлидан босқинчилик қилишганини тан олишган.

Суд ҳукми билан улар қилмишига яраша жазо олишди.

Аслида ҳар қандай ижод маҳсули эзгуликка хизмат қилиши керак. Аммо ёвузликка ундовчи юқоридаги каби «асар»лар ижодкорлари томошабинга нимани тавсия қилаётганини, унинг оқибати нима бўлишини ўйлаб кўришса яхши бўлар эди.

**Ҳалим БОЛТАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори**

# ХИЁНАТ




Айқаш-уйқаш кунларни бир-бир эслар экан, юз берган воқеаларни англаб етишга қанчалик уринмасин, сира ақлига сиғдиролмас эди. Шу топда мияси ари уясига ўхшарди. Тобора вужудини чирмаб, томир отаётган адоқсиз оғриқлардан қақшаб, дақиқа сайин чўкиб бораётган икки гардани ўзида гўё улкан харсангтошни кўтариб тургандек эди.

Баъзан минг бир хил савол-у изтироблар хаста юрагини қайта-қайта буровга оларди. Шундай кезларда ўзига таскин бериш йўлларини ахтарарди.

Дарвоқе, уёмон яшамади. Касбкори туфайли одамларга яхшилик улашганди чамаси. Ўша сурурли даврларда, кимнингдир дардига малҳам бўлганда минг қувониб, минг шодланганди. Одамларнинг самимий миннатдорчилиги ҳам катта мукофот экан. Ўша беғараз илтифотлар аста-аста унинг қароқларига парда бўлдимикан ё? Одамзотнинг табиати хўп қизиқ экан-да. Дунё ичинга кирдими, ҳаммаси тамом. Нафсга банди бўлиб, мол-дунё тўплашга интилиш мана қай аҳволга туширди уни. Яна англадики, эртами, кечми, қинғир иш ошкор бўлиши муқаррар экан. Аммо у ўзига жуда ишонарди. Бу соҳада анча ишлаганди-да. Шу пайтгача бирорта текширувчи унинг ишидан камчилик тополган эмас. Қолаверса, ошна-оғайнилари бор.

Мана шу тиканли симлар ортида бир аччиқ ҳақиқатга иймон келтирди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг жавоби бор, хиёнатнинг ҳам. Бу дунёда ҳеч бир гуноҳ, жиноят, ўйламай ташланган қадам жазосиз қолмайди. Қашқадарё вилоят суд-тиббиёт экспертиза бюросининг Шаҳрисабз туманлараро бўлинмасининг эксперти Ҳамид Аминов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эттисаккиз йилдан буён мана шу лавозимда ишлаб келар эди. Шу йиллар ичида вазифасини сидқидилдан бажарди. Эл орасида озми-кўпми обрў, дўст-биродар орттирди.

Кўпларга эзгулик улашди, ўрни келганда шифоталаб таниш-билишлар, хеш-ақраболардан маслаҳатини аямади. Эл-элатнинг тўй-маъракаларида хизматга шай турди. Аммо нафс қутқуси унинг мисқоллаб йиққан обрўсини бир лаҳзада кўкка совурди. Унинг жиноий ҳаракатлари билан боғлиқ воқеаларнинг ибтидоси ва интиҳоси худди саргузашт филмлардагидек...

Одатдагидай иш кунларидан бирида унинг хизмат хонасига жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман судининг раиси қўнғироқ қилиб, Жиноят кодексининг 119-моддаси 4-қисми билан судланаётган Турдиев Маъруф Тўйчиевичнинг балоғат ёшига етган ёки етмаганлигини ойдинлаштириш юзасидан суд-тиббий экспертизаси тайинланганини айтади. Суд раиси экспертизани Чироқчи тумани суд-тиббиёт экспертизаси бўлинмаси эксперти Олимназар Ҳимматқулов билан биргаликда ўтказишни гапининг бир чеккасига қистириб ўтади.

Ўша куни қоқ пешин маҳали ҳамкасби О.Ҳимматқулов ички ишлар бўлимининг соқчилари ҳамкорлигида судланувчи М.Турдиевни хизмат идорасига олиб келади. О.Ҳимматқулов ҳамшира Саломат Бобоева билан биргаликда судланувчини экспертиза кўригидан ўтказиб, тафсилотлар тегишли ҳужжатларга қайд этилади. Рентген сурати экспертиза ҳужжатларига илова қилинади. Аммо экспертизанинг хулосаси ёзилмай қолдирилади.

Шундан сўнг ҳамширалар ва милиционерлар биргаликда хизмат хонасига киришади. Милиционерлар «Қорнимиз очқади» дея судланувчини олиб чиқиб кетганларидан сўнг, хонага унинг отаси Тўйчи Турдиев кириб келади. Ўзини таништириб, ўғлининг жиноятчи эмаслигини, иложи борича ёрдам беришларини сўрайди. Жавоб эса бундай тарзда айтилди: «Душанба куни ҳаммаси аниқ бўлади. Экспертиза натижаларини олиш учун келаверишда бирор-бир егулик, янги чиққан мева-чевалардан олиб келинг, уйга бориб тушлик қиламан».

Ўша куни тушдан сўнг суд-тиббий экспертиза бўлинмасига жиноят ишлари бўйича Чироқчи туман суди раиси яна қўнғироқ қилиб, экспертиза хулосасини якунлаб беришни айтади. Раисга ҳам худди шу тарзда жавоб берилади: «Натижа душанба куни маълум бўлади».

Орадан саноқли кунлар ўтди. Душанба куни кундуз соат учларда эксперт Ҳ.Аминов хизмат хонасига келганда ҳамкасби О.Ҳимматқуловни кўради. Аммо у билан гаплашмайди. Шундан сўнг бир беморни экспертизадан ўтказиб, қўлини ювиш учун ташқарига чиқади. Ташқарида судланувчининг отаси Т.Турдиевни кўради. У билан шунчаки саломлашиб, яна хонасига қайтиб киради. Кейин яна учта беморни тиббий экспертизадан ўтказади. Бор гап шу (Ҳ.Аминовнинг терговдаги кўргазмасидан).

Энди ўша душанба куни Ҳ.Аминов ташқарига қўл ювиш учун чиққанида Т.Турдиев билан «шунчаки саломлашган» пайтда магнит тасмаларига туширилган қисқача сўзлашув матни билан танишиш ўринлидир: «Салом... бўлдими ҳаммаси? ...Бўлган бўлса, у билан олиб бориб, уйга ташланг».

«Бозорлик қилиб келган бўлса керак деб ўйлаб, уйимга олиб бориб ташланг дегандим» (Ҳ.Аминовнинг суддаги кўргазмасидан).

«...Мен айбимга иқрор эмасман. Чунки судланувчини Шаҳрисабз суд-тиббий экспертиза бўлинмасига олиб бориб, у ердаги эксперт билан унинг (судланувчининг) яқинларини таништириб қўйдим холос. М.Турдиевни (судланувчи) биргаликда тиббий экспертиздан ўтказдик. Мутахассислар фикри ва фотосурати бўлмаганлиги учун хулоса қилмасдан фикрларимни қоғозга тушириб қўйган эдим. Душанба куни судланувчининг отаси келди. У келгач, эгнимдаги оқ халатимни ечиб, хизмат хонамда қолдирдим. Суратхонага бирга бордик. Фотосуратни олиб, Тўйчи Турдиев миниб келган «Нексия» машинасида Шаҳрисабзга келдик. Ҳамид Аминовнинг хизмат хонасига кирганимда, у ерда нотаниш одамлар бор экан. Ҳ.Аминов билан саломлашиб, унинг хонасидан чиқиб бошқа хонага ўтдим. У ерда фотосуратни қайд қилувчи ҳамшира Саломатга бериб, яна Ҳ.Аминовнинг хонасига қайтиб кирдим. Шу пайт хонага бир нотаниш киши кириб, менга ва бошқа одамларга ташқарига чиқиб туришни айтди. Бироздан сўнг ўша нотаниш киши чиқиб, мени ичкарига чақирди. Ичкарига кирганимда ўзини таништириб, Ҳ.Аминов билан иккаламиз Тўйчи Турдиевдан пора олганликда гумонланаётганимизни айтди (эксперт О.Ҳимматқуловнинг суддаги кўргазмасидан).

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Эксперт, аслини олганда, саломатлик посбони, одамлар дардига шифо топувчи тиббиёт ходими ўзининг хонасида халатини ечиб қолдираётиб, эгнидаги қордек оқ либос билан бирга зиммасидаги улкан масъулиятни, аниқроғи Гиппократ қасамёдини ҳам ташлаб чиқмадими? Ўша лаҳзаларда жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, уни бажармай, иккинчи бир жиноятга йўл очмадими? Демоқчимизки, ўзгаларни алдаш ишни чигаллаштиради ва бир қарорга келишни қийинлаштиради, лекин ҳақиқат деб рўкач қилинган инсон кўнглидаги ёлғон эса одамни умрбод бадном қилади.

«Пешонамда шундай маломат ҳам бор экан. Не-не орзу-умидлар билан ўстирган фарзандим нопок ишга қўл урганига сира ишонгим келмайди. На илож? Оҳ-воҳ деган билан кўнгил жойига тушмайди. Вақтни пайсалга солмай алам ва изтиробларни орқага ташлаб, қаршимдаги кишининг юз-кўзларига интиқ тикилдим. Бизда текшириш учун аппаратлар етарли эмас, шунинг учун экспертизани Шаҳрисабзда ўтказамиз деди у.

Айтилган куни белгиланган жойга бордик. Эксперт кўриги тугагандан сўнг ичкаридан О.Ҳимматқулов чиқди. Натижани сўрадим. Душанба куни аниқ бўлади, ҳозир дўхтирга учранг, сизни сўраётган эди деди.

Ичкарида ҳам худди шу жавобни олдим: ҳаммаси душанба куни аниқ бўлади. Унгача орада тўрт кун бор. Тўрт кеча-кундуз.

Шу пайт О.Ҳимматқулов хонага яна қайтиб кирди. Мен Ҳ.Аминовдан кетаверайми деб сўрадим.

Ҳ.Аминов боши билан ҳа деди ва ўнг қўлининг беш панжасини кўрсатди-да, олиб келинг деди. Тушунмай О.Ҳимматқуловга қарадим. У эса сиз чиқаверинг, ўзим тушунтираман деди.

Ташқарида кутиб турдим. Бироздан кейин О.Ҳимматқулов ҳам чиқиб келди. Дўхтирнинг гапига тушунмадим дея сўрадим. «Ўғлингизнинг балоғат ёшига етмаганлиги тўғрисида хулоса бериш учун 5000 кўкидан сўраяпти» деди.

— Бу кўп нарса-ку, қандай топаман?

«Энди... Йўлини қиласиз-да... Хўп майли, топганингизни олиб, душанба куни Чироқчига келинг. Бирга келиб, дўхтирга яна учраймиз».

Шундан сўнг тегишли жойга мурожаат қилдим. Айтилган куни 100.000 сўм олиб яна ўша тегишли идорага келдим. Терговчи, бошқарма мутахассислари, холислар таклиф қилинди. Кимёвий ишлов берилган 100.000 сўм ва 2.500.000 сўмлик пулларнинг макетларини қора рангли салофан халтага жойлашди. Диктофондан фойдаланиш тартибини тушунтиришди.

Холислар билан бирга ташқарига чиқиб, «Нексия»да Чироқчига келдик. О.Ҳимматқуловга учраб, айтганингиздан 2.600.000 сўмини олиб келдим, қолганини бир ҳафта-ўн кун ичида тахлаб бераман дедим.

У тезда кийиниб чиқди. Иккаламиз бирга кетдик. Машинадан тушишда у сиз ўтира туринг деганча ичкарига кириб кетди.

Сал ўтмай Ҳ.Аминов бир ёш йигит билан ёнимга келиб, ўғли эканлигини, у билан бирга бориб, пулни уйига ташлаб келишимизни айтди.

Яна машинага ўтириб, Ҳ.Аминовнинг ўғли Ҳамро кўрсатган йўл орқали юрдик. Машина уй дарвозаси ёнида тўхтагач, пулларни қора салофан халтаси билан олиб кирди. Сал ўтмай уйидан чиққан пайтда тезкор гуруҳ ходимлари Ҳамро билан нималарнидир гаплашиб, яна ичкарига киришди.

Шундан кейин рўй берган воқеалардан хабарим йўқ» (судда жабрланувчи тариқасида иштирок этган Тўйчи Турдиевнинг сўзидан).

Эътироф этиш жоизки, ҳар қандай адолатсизликни қай ҳолатда, қай йўсинда бўлмасин, бир киши қиладими ёки кўпчиликми барибир, ўша ёлғон ва хатолар мунофиқликнинг белгисидир. Ўша куни Ҳамро олиб келган пулларни унинг акаси Ғолиб ҳам кўрганди. Акаси чиқиб кетгач, пул тахламларини кафтлари орасига олиб, эндигина санай бошлаганди, кўча тарафда қадам товушлари сезилди. Сўнгра уч-тўрт кишининг ғўнғир-ғўнғир товуши эшитилди. Бироз саросималаниб турди, аммо ичидаги қўрқувни сиртига чиқармади. Тезкор гуруҳ аъзолари уй хоналарини, ҳовли-жойларни, ҳаммаёқни тинтув қилишди. Ана шу дақиқаларда юрагидаги ғашлик аллақаёққа тарқалганди. Қараса, ака ҳам ўзини анчайин хотиржам тутарди. Хайрият, ҳеч нарса топилмади.

«Мактабдан келиб кийимларимни алмаштираётган эдим. Ҳовлида нимадир тап этди. Чиқиб қарасам, ҳамсоямиз Ғолиб акам, девор тагида турган қора салофан халтани кўрсатиб, уйингга киритиб қўй деди. Кўтариб кўрсам, оғир экан. Газхонага киритиб қўйдим. У ердан чиққанимда дарвоза олдида бобом билан момом ҳам туришган экан. Сўнг нотаниш амакилар ҳам кириб келишди. Яшириб қўйган нарсани сўрашди. Мен амакиларни газхонага олиб кириб, яширилган жойни кўрсатдим» (Ҳ.Аминовнинг ҳамсояси Хошим Холиқовнинг ўн ёшли ўғли Зафарнинг суддаги кўргазмасидан).

«Чол-кампир иккаламиз дарвозадан кириб келганимизда қўшни билан ўртага тўсиқ сифатида қўйилган шифер ортидан уч-тўрт киши ҳовлини кузатишаётганди. Нима гаплигига ақлим етмади. Иккаламиз ҳам эсанкираб қолдик. Ўғри тушдимикан десам, девордан мўралаётганларнинг афт-ангори туппа-тузук. Ёпирай, худди кинолардагидек. Қора рангли салофан кўрмадингизми деб сўрашди. Эндигина келиб тургандик. Неварамдан сўрайлик-чи деб жавоб қайтардик чол-кампир бараварига. Шу пайт газхонадан набирам чиқиб келаётганди. Нотаниш кишилар сўрашганди, яширган жойини кўрсатди. Тавба, ҳозирги замоннинг болалари кимга ўхшаяпти? Ҳеч нарсадан тап тортишмайди-я», — деб ҳайратини яширмади судда гувоҳлик берган Зафарнинг момоси Сабоҳат Саидова.

Онахоннинг куйинганича бор. Ўрни келганда айрим мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Ушбу жиноят иши юзасидан ўтказилган тергов, суриштирув ва суд жараёнида учала ёш ҳам ўз ҳаракатларини турли баҳоналар билан хаспўшламоқчи бўлдилар. Онахон айтганидек, номлари қайд этилган хонадонларда вояга етаётган фарзандлар ҳам таъманинг таъмидан тотиб улгуришгани айниқса аянчлидир. Шунингдек, улуғ касб эгаларининг бир жиноятнинг олдини олишга имкони бўла туриб, иккинчи бир жиноятга йўл очиб бериши, қилмишларини турли кўргазмалар билан изоҳлаб, айбига иқрор бўлмасликлари ҳам нохуш ҳолат. Бироқ, далиллар ва гувоҳларнинг кўргазмалари ушбу жиноят иши билан боғлиқ ҳолатларни инкор этишга имкон бермайди. Бинобарин, Олий суд пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айрим масалалар тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида: «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш вақтида жиноятнинг барча ҳолатларини, унинг оғирлик ва жамият учун ижтимоий хавфлилик даражасини синчиклаб аниқлашга асосланган қатъий алоҳида ёндашув таъминланиши лозим» деб кўрсатилган.

Суд адолатли якун топди. Модомики, ҳуқуқий демократик жамият қураётган эканмиз, биринчи галда ёш авлоднинг онги нохуш тушунчалардан холи бўлмоғи керак. Зотан, ёшлар барча эзгу ишларнинг давомчилари, бугунги куннинг эртанги қиёфасидир. Тақдир эса ҳар доим бахтсизликдан чиқиш учун имконият қолдиради. Хуллас, тарозига қараб тош қўйган яхши...

**Н.ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**

# НИШОНГА ОЛИНГАН ТАЙВАН



«Defencetalk» нашрининг хабарига қараганда ер-ер типидаги 900 та ракета Хитойнинг жанубий сарҳадларига ўрнатилди. Аксарияти «Дунфен-11» ва «Дунфен-15» маркали бу ракеталар Тайван оролига қаратилган. Ушбу баллистик ракеталар олдингиларидан нишонга аниқроқ тегиши билан фарқ қилади. Уларга ядровий каллаклар ўрнатиш мумкин.

Кейинги йилларда Хитой, шунингдек, қанотли ракеталарни ҳам такомиллаштириб бормоқда. Тезликни камайтириш, сунъий йўлдош орқали мўлжалга олиш тизимидан фойдаланилиши боис қанотли ракеталар юксак аниқлик билан манзилга етиб боради. Масалан, охирги моделдаги қанотли ракеталар баланд биноларнинг исталган қаватига етиб бориши мумкин. Ракеталарнинг бир қисмига электромагнит каллаклар ўрнатилган бўлиб, улар душманнинг алоқа тизимини ва электрон асбобларини ишдан чиқаришга мўлжалланган.

# Уйга қайтиш мушкул

Оғир об-ҳаво шароити туфайли хизматни ўтаб бўлган аскарлар Курил оролларини тарк эта олмаяптилар. Уларнинг уйларига қайтиши яна бирор ҳафтага чўзилиши мумкин деб хабар беради «РИА-Новости» агентлиги.

Оролдан «катта ер»га фақатгина битта теплоход қатнамоқда. Лекин рейслар оралиғи чўзилиб кетаётганлиги сабабли бортга чиқиб олишни хоҳлаётган йўловчилар ўртасида жанжал келиб чиқаяпти. Милиция ходимларини жалб этиш орқалигина йўловчиларни жойлаштириш пайтида тартиб ўрнатилмоқда.



# Билл Гейтснинг Боливияга ташрифи

«Microsoft» компаниясининг асосчиларидан бири Билл Гейтс Боливияга сафар қилмоқчилиги ҳақида баёнот берди. Сафар давомида унинг Боливия президенти Эво Моралес билан учрашиши кўзда тутилган.

Гейтс «Windows» операцион тизимининг кечуа тилидаги вариантини ишга туширилишини қўллаб-қувватлагани учун Боливия раҳбарига миннатдорчилик билдириш ниятида. У сафар олдидан Эво Моралесга мактуб йўллаган. Унда Гейтс Боливия ҳукуматининг кечуаларга таълим бериш ва иқтисодий кўмаклашишга оид режасини қўллаб-қувватлаши ва бу борада «Microsoft» ёрдам беришга тайёрлигини билдирган.



# «Ҳалокат» сўзи ишлатилмаган

Буюкбритания бош вазирининг вакили Тони Блэрнинг Қатарнинг «al-Jazira english» телеканалига берган интервюси боис кўтарилган шов-шувларга тушунтириш берди. Гап шундаки, британия етакчиси ўз интервюсида Ироққа қилинган ҳужум ҳалокатли бўлганлигини тан олгани ҳақида овоза тарқалган.

Журналист Блэрга Ироққа коалицион кучлар томонидан 2003 йили ҳужум қилинганидан сўнг ҳозиргача мамлакатдаги вазият ҳалокатли эканлиги ҳақидаги фикрга қўшилиш-қўшилмаслиги ҳақида савол берган.

«— Ҳа, албатта. Лекин, кўриб турибсизки, Ироқдаги мураккаб вазият режалаштиришдаги қандайдир чалкашликлар билан боғлиқ эмаслигини ҳар доим такрорлаб келаман», — деб жавоб берган бош вазир. — «Бу баъзи бир кучлар томонидан кўпчилик аҳолининг тинчликка бўлган хоҳиши кичик гуруҳларнинг уруш олиб боришга интилишлари билан алмашаётганлиги ҳақида тасаввур уйғотилаётганлиги билан боғлиқ».

Шундан кейин бош вазирнинг вакили Блэр ўз чиқишида вазиятга шунчаки тўхталиб ўтганини, аслида бош вазир Ироқдаги вазиятни ҳалокатли деб ҳисобламаслигини, лекин у ерда баъзи қийинчиликлар вужудга келганини тан олишини таъкидлаган.

Бундан олдинроқ яна бир вакил интервюда Блэр ҳалокат сўзини ишлатмаганлигига эътибор қаратганди. Қизиғи шундаки, интервю ҳали эфирга чиқмаган бўлса-да, британия газеталари ундаги эътиборли жиҳатлар ҳақида аллақачон ўқувчиларига хабар беришга улгурган.

# БОЗОРДАГИ ЁНҒИН

Гватемаладаги катта бозорлардан бири ўчирилмай ташланган сигарет чўғи туфайли ёниб кетди.

Ўт ўчирувчиларнинг маълумотига қараганда ёнғин пиротехника ва фейерверклар билан савдо қилувчи ноқонуний дўконлардан бирида чиққан. Айтиш мумкинки, янги йил арафасида бундай молларни аҳоли кўп миқдорда харид қилади. Тез авж олган олов қисқа муддатда бозордаги 40 та чодирни ёндириб кулга айлантирган. Баъзи сотувчилар ўзларининг товарларини ташлаб кетишга кўзлари қиймай ис газидан ҳалок бўлганлар. Ёнғиндан жами 150 та савдо нуқтаси зарар кўрган. Ҳалок бўлганлар сони эса 17 кишини ташкил этиши ҳақида айтилмоқда. Фалокат жойига қирққа яқин ўт ўчириш гуруҳи етиб келган.



# Зобитлар етишмаяпти

**Ҳозирги вақтда Эстония мудофаа кучларида 2001 йили қабул қилинган дастурда кўзда тутилганидан 200 та кам одам хизмат қилаётир. «Жумладан, 50 та офицер штати бўш турибди» деб ёзади «Postimees» нашри.**

**«Йил бошидан бери армиядан 54 нафар офицер бўшатилган, уларнинг ўрнига эса 22 киши келган, холос», — деб баёнот берган қуролли кучлар кадрлар бошқармаси бошлиғи Вахур Вялямяэ.**

**Офицерларнинг етишмаслигининг асосий сабаби уларга тўланадиган маошнинг камлигидир. Айниқса алоқа тизимига оид мутахассислар етишмаслиги катта муаммо бўлмоқда. Давлат бундай кадрни тайёрлаш учун 80.000 доллар харажат қилади деб уқтиради ушбу шахс. Мутахассисларни ишга жалб қилиш учун уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш зарур.**

# НАТОнинг янги номзодлари



«Frans Press»нинг маълумотига қараганда, ўтган ҳафта жума куни АҚШ сенати Грузия, Албания, Хорватия ва Македониянинг НАТОга қабул қилинишини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қонунни бир овоздан маъқуллаган.

«НАТОга кириш эркинлигига оид акт» деб номланувчи ҳужжатда АҚШнинг Украина НАТОга киришни хоҳласа, уни ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрлиги кўрсатиб ўтилган. «Европада мустаҳкам барқарорлик ва хавфсизлик у ердаги демократик кучларнинг ҳарбий, иқтисодий, сиёсий интеграциялашувини тақозо этади», — дейилади актда.

Шунингдек, ушбу қонунга мувофиқ 2007 йилда АҚШ федерал бюджетидан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик учун Грузияга 10 млн. доллар, юқорида қайд этилган бошқа давлатларнинг ҳар бирига 3 млн. доллардан маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Сенатнинг ташқи сиёсат қўмитаси раҳбари Ричард Лугарнинг баёнот беришича, НАТО ўз аъзолари хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида нафақат ривожланиши, балки кенгайиши ҳам зарур. Шунингдек у НАТОнинг 28-29 ноябр кунлари Ригада бўладиган саммитида Вашингтон ушбу давлатларни аъзоликка қабул қилиш таклифи билан чиқишини таъкидлаган.



# Шимолий Корея БМТни айблади

Шимолий Корея раҳбарияти БМТнинг ушбу мамлакатдаги инсон ҳуқуқларининг бузилишига оид резолюциясини кескин танқид қилди деб хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.

«Биз ушбу резолюция КХДРга қарши сиёсий босим ўтказиш маҳсули бўлганлиги учун ҳам мутлақо ҳақиқатга тўғри келмайди деб ҳисоблаймиз. АҚШ ва бошқа бизга қарши кайфиятдаги давлатлар халқаро ҳамжамиятга мамлакатимиздаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш усули билан бизни ўз йўлимиздан қайтара олмайди», — дейилади мамлакат ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида.

КХДРда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволга доир резолюция шу йилнинг 18 ноябрида БМТ Бош ассамблеясининг Учинчи қўмитаси томонидан қабул қилинганди. Уни қўллаб-қувватлаб 91 та давлат овоз берган. 21 мамлакат вакиллари қарши чиққан бўлса, 60 таси бетараф қолган. Резолюцияда Шимолий Корея мамлакатда қатл маросимининг ошкоралиги, сўз ва эътиқод эркинлигига йўл қўйилмаётганликда ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа нормаларга амал қилинмаётганликда айбланади.

**Америка махсус хизмати вакиллари Франсиско Гойининг ўғирланган машҳур «Аравали болалар» картинасини топишга муваффақ бўлишди.**

# СУРАТ ҚАЙТАРИЛДИ

Картина икки ҳафта олдин Огайодаги музейдан Нью-Йоркдаги кўргазмага келтирилаётганида йўқолганди. ФРБ вакилларининг баёнотида ўғрилар суратга ҳеч қандай зарар етказмаганлиги айтилади.

Пенсилваниянинг Страудбург шаҳрида 8 ноябрда содир этилган ушбу талончилик ҳақида бир ҳафтадан кейингина хабар топилган эди. Ушбу сурат санъат буюмларини ташувчи машина меҳмонхона стоянкасида турганида ўғирлаб кетилган.

«Аравали болалар»ни Гойи 1778 йили чизган эди. Унинг бугунги нархи 1.100.000 доллардир. Сурат йўқолганида суғурта компанияси уни топишга кўмаклашган кишига 50.000 доллар мукофот эълон қилганди.

**Германияда сувости кемалари мудофаасига мўлжалланган IDAS бошқариладиган зенит ракеталарининг синови бўлиб ўтди.**

# Сувости кемалари учун ракета

Янги ракеталарни сув устида ва сув остида бирдай отиш мумкин. Мўлжалга олиш тизими ракета юқорига кўтарилганидан сўнг ишга тушади. IDAS сувости кемаларига қарши фойдаланиладиган вертолёт ва самолётлардан ҳимояланиш имконини беради. Ракета махсус учирувчи контейнерга ўрнатилиб, сувости кемасининг торпеда аппаратидан отилади. У танкка қарши ишлатиладиган бошқарилувчи ракета ва торпедалар сингари оптик толали бошқариш қурилмасига эга. Марказий постда ўтирган оператор оптик мўлжалга олиш тизими узатган тасвирни кузатади ва ракета парвозини «жойстик» (болалар компютер ўйинларида фойдаланиладиган ихчам бошқарув қурилмаси) ёрдамида бошқаради

**Ўтган куни Эрон расмийлари Теҳронда уч томонлама музокара ўтказилиши ҳақида маълум қилишди. Саммитга Ироқ президенти Жалол Талабоний, Сурия етакчиси Башар Асад таклиф этилган.**

# Теҳрондаги саммит

Икки кун давом этиши кўзда тутилган саммитда уч давлат раҳбарлари Ироқдаги вазият, минтақада терроризмга қарши кураш масалаларини муҳокама этиши кутилмоқда. Ироқ президенти Жалол Талабоний саммитда иштирок этишга розилик билдирган. Яқин кунларда Сурия раҳбари Башар Асад ҳам шундай қилиши кутилаяпти.

Эроннинг ташаббуси минтақа сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутишга бўлган уринишдан далолат беради. Учрашувда уч давлат раҳбарлари Ироқда тинчлик ўрнатиш режасини ишлаб чиқиши кўзда тутилган. Маълумот учун айтиш керакки, жорий йилнинг ноябр ойида жангариларнинг қурбони бўлган тинч аҳоли сони Саддам Ҳусайн режимига қарши ҳарбий кампания бошлангандан . кейин ўтган ойлар ичида рекорд кўрсаткичга етган.



# *Уруш 30 йилга чўзиладими?*

Терроризмга қарши кураш 30 йилга чўзилиши мумкин. Буюкбританиянинг «Oxford research group» илмий тадқиқот маркази эълон қилган маърузада шундай тўхтамга келинган.

Ҳужжатда айтилишича, республикачилар партиясининг конгрессга бўлиб ўтган сайловдаги мағлубияти Ироқда ва Афғонистонда давом этаётган урушга жиддий таъсир кўрсатмайди. Ҳолбуки, бу ҳақда ОАВ ва сиёсатчилар томонидан кўп гапирилмоқда.

Маъруза муаллифи Пол Рожерс ўзининг фикрини АҚШнинг бой нефт захираларига тобора ошиб бораётган эҳтиёжи билан асослаган. Айниқса, углеводород бирикмаларига бой Форс кўрфазида АҚШнинг катта манфаатлари бор. Осиё минтақасига расмий Вашингтоннинг муносабати фақатгина бутунлай янги сиёсат ишлаб чиқилганидан кейингина ўзгариши мумкин. Америка учун ўз қўшинларини Ироқдан олиб чиқиш вазиятнинг барқарорлигидан қатъи назар мақсадга мувофиқ эмас.

Ироқ муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилишга бўлган уринишни катта хато деб ҳисоблаган Рожерс минтақага 150.000 кишилик қўшиннинг киритилиши «ал-Қоида» каби террористик ташкилотларга «Америка босқинчилиги» ҳақида ташвиқот юритиш учун дастак бўлди.

*Турфа олам, турфа одамлар*

## Алкогол ва болалар



Британиянинг соғлиқни сақлаш ташкилоти ахборот маркази тарқатган маълумотда айтилишича, сўнгги икки йил ичида инглиз ўсмирлари спиртли ичимликларга ружу қўйишган. Бундай хулосага мамлакатдаги шифохоналарга «алкоголдан заҳарланиш» ташхиси билан келтирилаётган ўсмирлар сонининг ортиб бораётгани асос қилиб олинган.

Врачлар ҳар куни ўртача йигирмата ўспиринга ёрдам кўрсатишаяпти дея хабар беради «BBC News». Маълумотларга кўра, бу кўрсаткич мамлакатнинг шимоли-ғарбидаги шаҳарларда айниқса ортмоқда. Шу боис врачлар ҳукуматдан спиртли ичимликлар нархини оширишни ва ўсмирлар орасида спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг оқибати ҳақида кенг қамровли тарғибот бошлашни талаб қилаяпти.

## Марихуана васвасаси



Бутун дунёда гиёҳвандликка қарши жиддий кураш олиб борилаётган бир пайтда айрим мамлакатларда марихуанага бўлган муносабатнинг ўзгараётгани кишини ҳайратга солади. Масалан, Италия ҳукумати соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифига асосланиб, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши қонунни қайта кўриб чиқмоқда.

«Reuters» агентлиги тарқатган маълумотда айтилишича, энди бу мамлакатда бир киши ўз эҳтиёжи учун 40 дозагача марихуана сақлаши мумкин бўлади. Италия соғлиқни сақлаш вазирининг айтишича, бу ҳолат минглаб ёшларни жавобгарлик ва муқаррар қамалишдан асраб қолади. Бу «эзгу ташаббус»ни кимлар олқишлар билан кутиб олгани аён, аммо соғлом фикрли кишилар ўзларининг кескин норозилигини билдираётгани ҳам аниқ.

Дунёнинг деярли барча давлатларидаги каби Канадада ҳам марихуана истеъмол қилиш таъқиқланган. Аммо икки нафар профессор олий ўқув юртларида бу афюндан дори сифатида фойдаланишга рухсат берилишини талаб қилиб судга даъво киритганига нима дейиш мумкин?

Исроилдаги «Яшил япроқ» партияси илгари сурган таклиф олдида бу гаплар ҳолва экан. Яшил япроқчиларнинг фикрича, Қуддус халқлари, яъни араблар ва яҳудийларни фақатгина марихуана бирлаштириши ва минтақада тинчлик ўрнатилишига олиб келиши мумкин эмиш.

Шу ўринда голландиялик олимлар ўтказган бир тадқиқот натижаларига эътибор қаратиб ўтиш ўринлидир.

5000 та бола устида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, бу афюнни истеъмол қилувчилар тажовузкор ва жиноятга мойил бўлиб борадилар. Шунингдек, банги болалар дарсларни ўзлаштиришда ҳам тенгқурларидан анча орқада қолар экан. Мана шунинг ўзи ҳам бу заҳри қотилнинг нималарга қодирлигини кўрсатиши мумкин.

## Қойилмақом мусобақа



16 ноябр куни Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларидаги мактабларда антиқа мусобақага старт берилди. Мусобақанинг антиқалиги шундаки, унда иштирок этаётган мактабларнинг 6 — 7-синфларидаги ҳар бир ўқувчи тамаки чекишни хаёлига ҳам келтирмаслиги шарт. Агар бир синфдан атиги иккита ўқувчи тамаки чеккани маълум бўлиб қолса, бутун синф мусобақадан четлатилади. Бу мусобақа келаси йилнинг 16 апрелигача давом этиб, ғолиб бўлган синф 50.000 рубл мукофот олади. Ташкилотчиларнинг фикрича, бундай мусобақалар ўқувчилар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишнинг самарали усули экан. Нега айнан 6 — 7-синфлар мусобақага жалб этилганига келсак, мана шу даврда болаларда чекишга бўлган қизиқишнинг ортиши исботланган.

**Интернет хабарлари асосида ШАВКАТ тайёрлади.**

*Ана холос!*

## «Беозор» босқинчилар

**Босқинчилик жиноятини одатда махсус тайёргарлик кўрган бақувват эркаклар содир этишади. Аммо Берлин суди банкларга босқинчилик уюштирган жиноятчи сифатида қандайдир барзанги босқинчини эмас, етмиш ёшли мункиллаган кампирни уч йилга озодликдан маҳрум этган.**

«Times» газетаси тарқатган хабарда айтилишича, парик кийиб олиб банкларга босқинчилик қилишга журъат қилган бу кампир бир гал ўйинчоқ қурол билан банк ходимларини қўрқитиб 8000 евро ўмаришга муваффақ бўлган.

Унинг режаси жуда оддий эди. У таксида банк эшиги олдигача келиб, таксичига кутиб туришни тайинлаган ва ичкарига кириши билан касса туйнугидан кассирга «асаб тўқималарини ишдан чиқарадиган газли пистолет билан қуролланганини ва тезда айтилган пулни бермаса уни ишлатишга мажбур бўлиши» ҳақидаги хатни узатган. Биринчи сафар кассир пўписадан қўрқиб унинг айтганини қилишга мажбур бўлган. Орадан олти ой ўтиб, кампир яна ўша усулда бошқа бир банкни ўмаришга уриниб кўрган. Буни қарангки, бу сафар банк ходими ҳақиқий қурол билан ўйинчоқ қуролнинг фарқига борган шекилли, соқчини ёрдамга чақирган. Бироқ кампир қочиб қолган.

Босқинчи барибир жазодан қочиб қутулолмади. Уни шаҳардаги барларнинг бирида қўлга туширишди. Полицияга у ҳақда бар эгаси хабар берган эди. Синчков бармен қидирилаётган кампирнинг суратини телевизорда кўрган ва қиёфасини яхши эслаб қолган экан.

Судда етмиш ёшли босқинчи коммунал тўловлардан қарзи бўлгани ва уни тўламаса уйдан чиқариб юборишларидан қўрққани учун шундай қилишга мажбур бўлганини айтган.

АҚШнинг Флорида штатидаги шаҳарчалардан бирида эса бундан ҳам антиқа босқинчилик содир этилган. Етти-саккиз ёшлардаги қизалоқ ўйинчоқлар дўконига кириб, у ердан икки қути «Lego» ўйинчоғини яширинча олиб чиқаётганда назоратчи томонидан тўхтатилади. Қизалоқ эса ёнидан ханжар чиқариб назоратчига уни ўтказиб юбормаса оқибати ёмон бўлишини айтади. Турган гапки, назоратчи пўписани жиддий қабул қилмай, «музокара»га ўтади. Шунда ўйинчоқларни қайтаришни истамаган қизча унга ташланади. Назоратчи эпчиллик қилиб ундан ханжар ва ўйинчоқларни тортиб олади. Полиция қочиб қолишга улгурган кичик босқинчини ҳалигача тополмади деб хабар беради «Tampa Bays» ҳафтаномаси.



*Фикр*

## Янги иш ўринлари — тараққиёт омили

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат даромадларини тўғри тақсимлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Аҳоли даромади асосан қуйидаги манбалар асосида шаклланади:

— ойлик иш ҳақи;
— ижтимоий трансфертлар;
— мулк даромади;
— тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойда.

Аҳоли даромадининг 60 фоизи иш ҳақидан, 16 фоизи ижтимоий трансфертлардан, 24 фоизи мулк даромади ва тадбиркорлик фаолиятидан шаклланади. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланишида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имконият яратиш ва шулар асосида аҳолининг даромадини кўпайтириш муҳим вазифа саналади.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларда яшайди. У ерда ишсизлик даражаси шаҳарлардагига қараганда юқори. Бунинг асосий сабаби саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналари асосан шаҳарларда жойлашганидир. Кейинги пайтларда самарадорликни ошириш учун имтиёзли кредитлар берилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция билан таъминлаш каби тадбирлар шаҳарда янги иш ўринларининг ошишига олиб келмоқда.

Охирги йилларда қишлоқларга ҳам саноатни олиб кириш, янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор берилаяпти-ю, лекин ҳали ҳам ишсизлар сони кўплигича қолмоқда. Бу тадбирларни янада жонлантириш бўйича қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

— қишлоқларга техника, технология, шунингдек, бошқа хил инвестиция олиб киришда ўша ҳудуднинг хусусиятларини ҳисобга олиш;
— деҳқончилик маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхона ва цехларни ташкил этиш;
— иқтисодий ҳамкорлик турларини ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш.

Бундан ташқари, янги микрофирмалар ташкил қилиниши, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналар ривожлантирилиши, микрокредитлаш тизимининг рағбатлантирилиши, шунингдек, касаначиликнинг йирик корхоналар билан кооперациялашувидан фойдаланиш қишлоқларда ишсизликнинг бартараф этилишига замин яратади.

**Комилжон НУРХОНОВ, ТошДИУ талабаси**

### Моҳият

*Киши ўзини қандай англаши мумкин? Ҳарқалай, хаёлпарастлик билан эмас, фақат фаолиятда англаши мумкин. Ўз бурчингни адо эт, ўша заҳоти ўзингни англайсан.*

**Иоган ГЁТЕ**

## Факт

◆ Инсон мияси 2 ёшдан 11 ёшгача шиддат билан ривожланади. Бирон-бир нотаниш фаолият билан шуғулланиш эса унинг ривожига яна ҳам катта таъсир кўрсатади.

◆ Нейтрон юлдузининг массаси шунчалик оғирки, унинг бир чой қошиғи 110 млн. тонна тош босади.

◆ Сифатсиз шиша тиқинлари туфайли таъми бузилган винонинг баҳоси дунё бўйича ҳар йили ярим миллиард долларни ташкил этади. Улар беаёв чиқитга чиқариб ташланади.

◆ 1945 йилдан бошлаб Гранд Рапис шаҳрида тиш кариесининг олдини олиш мақсадида ичимлик сувига фтор бирикмалари қўшила бошланди.

◆ Голланд гульдени (тангаси)ни Санкт-Петербург шаҳридаги метрополитен жетонини ўрнида бемалол фойдаланса бўлади.

◆ Нью-Гемпширдаги кафе ва ресторанларда мусиқага мос равишда полга депсиниб, бошни силкитиб ва столни тақиллатиб ўтириш тақиқланади.

◆ Аёлнинг икки юз минг дона толадан иборат ўрилган сочи 20 тоннагача юкни кўтариши мумкин.

◆ Шиша синганида унинг синиқлари соатига 5000 километр тезлик билан атрофга сочилади.

◆ Инсон чойга героинга қараганда тезроқ ўрганиб қолади.

Huquq yuridik gazeta

Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay`ati: Yusupboy G`OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO`JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 133-98-82, 133-10-53. E-mail:huquq97@mail.ru Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 1356. 11 871 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 19.00. 2 3 4 5 6 7 8

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda